



## ХУҚУҚИЙ ТАФАККУР ҲОДИСАСИ Ёхуд тараққиётнинг ўқилдизига нега бефарқмиз?

### Таҳлил ва таққос

Манзилимиз боши берк кўча адоғидаги уй эди. Олдинда атиги минг метрча йўл қолди. Атрофга қарайман, кўча анча кенг, файзли, ҳавасинг келади. Лекин бу таассурот узокқа чўзилмади. Ўн қадам юрмасимиздан машина йўлдаги сунъий дўнгликка дуч келди. Машинани тўхтагиб, секингина ундан ўтдим ва энди тезлик дастагини иккинчи босқичга олмоқчи эдим, навбатдагиси қаршимдан чиқди. У ҳам аввалгисидай баланд, Хитой девори каби мустаҳкам. Шу тарзда ўттиз-қирқ ховлидан иборат берк кўчанинг бошдан-охиригача йигирмадан зиёд йўлдаги сунъий дўнгликни санадим.



Кузатишимча, кўчада уйлар намунали тарзда бир хил қилиб қурилган. Аксарият дарвозахоналарда қиммат уловлар саф тортган эди. Бу ерда моддий жиҳатдан ўзига тўқ қатлам вақиллари яшаси кўри-ниб турибди.

Бир қарашда маҳаллада барчаси ри-соладагидек. Аммо нега ҳар қадамда сунъий тўсиқ? Болаларни ҳимоя қилиш, машиналар секин юриши учун қилинган, дейишга шоянманг. Нима мақсадда шундай йўл тутилганини яхши биламан.

Лекин мазкур ҳолат одамни ўйлантира-ди. Чунки адоғи берк кўчага ҳар замонда биз каби меҳмон келмаса, бошқа машина ораламайди. Боз устига, битта йўл белги-си билан исталган ҳайдовчини огоҳлан-тириш мумкин.

Шу гапни ўқиб, юзингизга истеҳзоли кулги келдими?! Демак, бундай овлоқ кў-чада аксарият ҳайдовчилар йўл белгисини писанд этмаслигини яхши биласиз.

► Давоми 3-бетда

## “Яшил макон”

### КўЧАТЛАР СУВСИЗЛИКДАН ЭМАС, ЭЪТИБОРСИЗЛИКДАН ҚУРИЙДИ

— Ўтган йили ҳам худди шу ерга — йўл четига дарахт кўчатлари ўтказишгани, бу йил яна экишди. Бир маромда кетаётган машина ичидаги жимликни отахоннинг шу гапи бузди. У ишора қилган томонга боқдим. Навоий шаҳрига киришдаги кўча четига дарахт экилган. Қандай дарахт тури эканини англашга ҳам улгурмадим.

— Ҳар йили шу аҳвол. “Яшил макон” яратамиз дейишади, экишади, аммо кўчат-лар қуриб қолади, — сўзида давом этди отахон.

— Сувсизликданми?  
Саволимдан кейин отахон бир муддат сукут сақлаб, кейин гап бошлади.

— Сувсизликдан эмас, болам. Бунинг биринчи сабаби ҳудудга мос дарахт кў-чати экилмагани, иккинчи сабаби эса сув бўлса-да, парваришнинг йўқлиги. Айримлар эккан дарахтларига йил бўйи бир бор келиб қарамайди. Ҳисобот учун, расмга тушиш учун экишади-ю, шу билан қайтиб қорасини кўрсатмайди, — дейди отахон.

Албатта, отахоннинг гапида жон бор. Зеро, ҳар бир ҳудуд ўзига хос иқлимга эга ва унга мос дарахт тури экилиши энг муҳим жиҳат.

Навоий вилоятида 2023 йилнинг кузги мавсумида 6 миллионга яқин, жорий йил баҳор мавсумида 9 миллион тупдан ортқ турли дарахт кўчати экилди. Вилоят иқли-мини ҳисобга олиб, мутахассислар тавсия-ларига асосан, гуҷум, қайрағоч, каталпа, акация, заранг, шумтол, тут, жийда, ёнғоқ, узум, терак, тол каби дарахт ва бута кўчат-лари танланди.

Янги экилган кўчатларнинг ҳар бирини талафотсиз кўқартириб олиш, ўсиб дарахт бўлгунча доимий назорат ва парвариш қи-лиш борасида ҳам аниқ чоралар белгиланган.

Ўтган йилларда бу борада айрим камчи-ликлар кўзга ташланди. Танланган дарахт турлари иқлимга мос келмаган, баъзида кў-чат экилаётган майдондаги сув таъминоти ёки дарахт парвариши учун етарли шароит-лар бор-йўқлиги биров қизиқмаган. Энди шу жиҳатлар эътиборда турибди.

— Кўчат экишда, аввало, тупроқ тарки-би, иқлим шароити ва сув таъминоти ҳи-собга олинмоқда. Вилоятимиз иқлимга, асосан, акация, қайрағоч, чўл ҳудудларига эса саксувал кўпроқ мос келади. Экилган кўчатлар назорати йўлга қўйилмоқда. Ҳар бир кўчат “Яшил макон” платформасига манзили бўйича киритилди. Йўл четлари-да экилган дарахтларни махсус транспорт ёрдамида суғориш йўлга қўйилмоқда. Ҳар бир манзилда яратилаётган яшил ҳудуд-ларга масъул ташкилотлар ҳам белгилан-ди, — дейди Навоий вилояти экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси бўлим бошлиғи Фурқат Қодиров.

► Давоми 2-бетда

## Янгича ёндашувлар

### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЯПОНИЯНИНГ ФУЖИМИН ТЕХНОЛОГИЯСИ



Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган суғориладиган ер унумдорлигини сақлаш ва оширишга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Ушбу масалани ҳал этишда тупроқни органик ўғит билан бойитиш самарали усуллардан. Шу боис, унумдорлиги паст ер сифатини яхшилаш ҳамда ҳосилдорликни оширишда илмий асосланган, сув ва ресурстежамкор технологияларни жорий қилиш ишлари бошланган. Жараёнда янги усул ва технологияларни қўллаш асосий йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Биринчи навбатда, суғориладиган ерда гўнг, гумин, биогумум каби органик ўғитларни қўллаш лозим.

Президентимизнинг шу йил 13 фев-ралдаги “Қишлоқ хўжалиги ерлари дег-радациясига қарши курашиш, тупроқ-нинг гумус миқдори ва унумдорлигини оширишни қўллаб-қувватлашнинг қў-шимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди қишлоқ хўжалиги мутахас-сислари ҳамда ердан фойдаланувчилар

учун тупроқни органик моддалар билан бойитишга доир қатор жиддий кўрсат-малар берилган. Айни пайтда самарали агротехнологик тадбирлардан фойда-ланиш бўйича ишлар жадал суръатда давом эттирилмоқда.

► Давоми 4-бетда

## Обод манзиллар

### “ШИРИН”НИНГ БЕТАКРОР ЖОЗИБАСИ



2

## Долзарб мавзу


### “ПЛАСТИК” ФИРИБГАРЛИК



Виртуал иммунитет —  
ундан энг самарали ҳимоя

5

## ЮЛДУЗЛАР МАНГУ ЁНАДИ



### МУҲАММАД ЮСУФ ХУДУДИ

Баҳор бу йил серегин келди, ёмғир — раҳмат суви кўп ва мўл бўлди. Она табиат — ён-атроф — боғ-роғлар гуллаб-яшнади. Айниқса, сўлим Тошкентнинг қоқ марказида адабиётга катта эътибор ва ғамхўрликнинг яққол намоёни, бетимсол рамзи сифатида қад ростлаган музайян Адиблар хиёбони ғоят кўркам манзара касб этган.

Қунда-қунора ёғаётган ёмғир гўё бор-ликни бош-оёқ ювиб, тозалаб, поклаб бе-рийин. Янгиликни, гўзаллик фасли кўклам бу йил яна бир жиҳати билан файзли, сурурли келди. Доим ёшлар билан, ҳаётга, севгига маҳкам ва мустаҳкам боғланган, ёруғ ва порлоқ оруз-ўйлар, мақсадларга вобаста диллар билан, адабиёт ихлосмандлари, шеър мухлислари билан гавжум Адиб-лар хиёбонида ҳар йилгидан ҳам кўпроқ шеър ёмири, сўз ёмири “ёғмоқда”.

Ўтган асрлар, ўтган замонлардан чиқиб келиб, бутун азиз умримизга ҳайрат, мам-нуният ва ризолик ила қараб, кузатиб тур-ган улғу адибларнинг абадийин барҳаёт сиймолари ҳузурда нафис мажлислар — суҳбатлар, адабий анжуманлар, мушоира-лар давом этмоқда. Бу ерларда шеър, сўз, муҳаббат ёмғирлари гоҳ майин шивир-шивирлар, гоҳ фавқуллода гулдурослар ила “ёғиб ўтмоқ”да.

► Давоми 6-бетда

Ислохотлар самараси

ҚАЛОВИНИ ТОПГАНЛАР пойтахт шароитида томорқадан унумли фойдаланишмоқда

Шаҳар, айниқса, пойтахт деганда, кўпчилигимиз баланд бинолар, қулай инфратузилма, юқори сервисни тушунамиз. Аслида ҳам шундай. Лекин пойтахт шароитида томорқачилик ҳақида гап кетса, аксариятимиз “Ия, шунақаси ҳам бўларканми?” дея ажабланишимиз бор гап. Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги Алишеробод маҳалласига кириб борар эканмиз, маҳалланинг замонавийлик ва табиийлик уйғунлашган кифасини кўриб, хаёлимиздан шу фикр ўтди.

— Маҳалламиз пойтахтимизнинг энг файзли ва яшил гўшаларидан бири, — дейди “Алишеробод” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулчехра Аҳмедова. — Худудимиз 250 гектардан кўпроқ жойни эгаллайди. 23 та кўп қаватли уй ва 500 дан ортиқ ҳовлида қарийб тўрт минг киши истиқомат қилади. Маҳалламиз худудиди 6 та фермер хўжалиги ва иссиқхоналар, ҳовлиларнинг ҳар бирида 6-8 сотих атрофида томорқа бор. Шу боис, томорқадан унумли фойдаланишда аҳолига яқиндан кўмак бериб келямиз.

Маҳалла раисининг айтишича, ҳовлида турадиган аҳолининг кўпчилиги турли соҳаларда ишлайди. Шу билан бирга, томорқадан унумли фойдаланишга ҳам эътибор қатта. Томорқаларда иссиқхоналар ташкил этиб, йилга икки-уч маротаба ҳосил олаётганлар ҳам бор.

82 ёшли Муҳаббат ая Иқболовнинг хонадонига кириб борганимизда, қизгин иш устидан чиқдик. У фарзандлари ва набиралари билан настарин гуллардан нафис гулдасталар ясамоқда. Турмуш ўртоғи Саъдулла ота билан 8 фарзандни тарбиялаб элга қўшган Муҳаббат ая бир умр гулчилик билан шуғулланган. Шу боис, табиатга, гулга меҳри бўлакча.

Онанинг бу хислати болаларига ҳам ўтган. Ҳозир фарзандлари мазкур аънанани давом эттириб, иссиқхона куриб қўшимча даромад топишти. Иссиқхоналардан бирига помидор, бошқасига бодринг экилган. Хонадон соҳибларининг айтишича, шу кунларда ҳосил пишиб етилиб, бозорга чиқариляпти.

Ҳа, доноларимиз айтганидек, “Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади”. Алишерободликларни шу қаловни топганлар, дейиш мумкин. Ҳозир маҳаллада томорқасидан самарали фойдаланиб, чорвачилик, паррандачилик, асаларчиликни йўлга қўйганлар талайгина. Маҳалла фаоллари томорқачилик ва боғдорчиликни ривожлантириш, бу борадаги оилавий қадриятларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратяпти.

Ўтган йили “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида 42 оилага

имтиёзли кредит ажратилди. Натижада ўттиздан зиёд иш жойи яратилди, қирқдан ортиқ одам ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатга олинди.

“Обод маҳалла” дастури доирасида шу кунларда маҳаллада бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари қизгин давом этапти. Бу жараёнда кўчалар, уйлар атрофи тозаланиб, чиқиндилар ташиб кетилляпти. Кўп қаватли уйларнинг электр энергияси, иссиқлик ва совуқ сув тизимлари модернизация қилинляпти.

Маҳалла худудиди битта мактаб, битта давлат мактабгача таълим ташкилоти, 2 та хусусий болалар боғчаси фаолият юритади. Худудда қатор тадбиркорлик субъектлари ҳам ташкил этилган. Уларда бир неча турдаги истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бу ерда тадбиркорлик субъектлари кўпайиб бораётгани аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятини яратмоқда. Ўтган йили янги ташкил этилган ана шундай иш ўринларида кўпбал ёшлар бандлиги таъминланди. 15 киши касб-хунарга ўқитилди.

— 3 фарзандим бор, уларнинг тарбияси ва уй ишларидан ортган пайтимда оиламга даромад бўлиш деб хонадонимда пиширчи пишириб сотардим, — дейди Умида Зиёғўжаева. — Маҳалла фаоллари оилавий шароитимизни ўрганиб, “Аёллар дафтари”га рўйхатга олди ва пазандалик фаолиятини ривожлантиришга кўмак берди. 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, ҳозир маҳаллада бўш турган ерда кичик цех куриб ишлатяман.

Юнусобод туманидаги Янгибоғ маҳалласида ҳам аҳоли тадбиркорлигини ривожлантириш йўналишида муҳим лойиҳалар амалга ошириляпти. Ҳозир маҳаллада қирққа яқин тадбиркорлик субъекти иш юритаётгани бу жабҳадаги ишларнинг ўзига хос натижасини намойён этади.

Тикувчилик соҳасида фаолият юритадиган “Best united colors” хусусий корхонаси шулардан бири. Икки йил аввал ташкил этилган корхонада ҳозир йигирмадан зиёд хотин-қиз иш билан банд. Касаначилик

асосида ишлаш корхона фаолиятининг асосий йўналиши. Табиийки, бу аёллар бандлигини таъминлашда муҳим омили. Чунки аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ва ишсизликни бартараф этишда қулай имконият яратади. Шу боис, мазкур корхона фаолиятини янада кенгайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспортини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилляпти.

“Феникс арт сервис” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиши эса аҳоли бандлигини таъминлаш билан бирга кўп қаватли уйларга коммунал хизмат кўрсатиш сифатини оширишда ҳам муҳим қадам бўлди. Маҳаллада бу борада ортирилган тажриба бошқа худудларда ҳам омалаштириляпти.

— Маҳалламизда тадбиркорликнинг кўпбал йўналишларида яхши ишлар йўлга қўйилган, — дейди Янгибоғ маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Акбар Азимов. — Шу билан бирга, бу борада ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам бор. Маҳаллабай ишлаш тизими асосида бу жиҳатларни атрофича ўрганиб, тадбиркорликнинг янги йўналишларини очишга эътибор қаратилляпти. Ўтган йили ана шундай қатор лойиҳалар амалга оширилиб, тикувчилик, озиқ-овқат ва хомашёни қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш каби йўналишларда янги тадбиркорлик субъектлари фаолият бошлади. Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар давом этапти.

Шунингдек, ишсизликни бартараф этиш мақсадида аҳоли, айниқса, иш излаб юрган ёшлар бозорда талаб юқори касб-хунарлар бўйича малака оширди. Улардан 13 нафарига иш бошлаши учун субсидия берилди. Маҳаллабай ишлаш тизими бўйича аҳоли орасида ўтказилган ўрганишлар ва амалий кўмак натижасида 119 киши ўзини ўзи банд этган шахс сифатида рўйхатга олинди. 261 нафарнинг бандлиги таъминланди.

Шу тахлит маҳаллаларимизда ҳар бир худуднинг ўз имкониятидан келиб чиқиб, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш жойлари яратиш борасидаги хайрли амаллар давом этмоқда. Бу имконият ишсизларни ишли, қўлида хунари бор ва ўз бизнесини йўлга қўйишни орзу қилиб юрган инсонларни тадбиркорга айлантиришга замин яратмоқда.

Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Обод манзиллар

Бухоро тарихий манзиллари, зиёратгоҳлари, минораю масжидлари билан маълуму машхур. Вобкент туманидаги 1500 йиллик тарихга эга Ширин қишлоғи ана шундай манзиллардан бири. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларида Ширин қишлоғида намунавий “туризм қишлоғи”ни ташкил этиш бўйича ҳам қатор вазифалар белгилаб берилган.



“ШИРИН”НИНГ БЕТАКРОР ЖОЗИБАСИ



Қишлоқда кулоллик, каштадўзлик, зардўзлик, гиламчилик, патдўзлик, темирчилик, ёғоч ўймакорлиги, жундан ип йигириш, мато тўқиш, миллий кўғирчоқлар ясаш, миниатюра санъати, сават тўқиш, қадимий усулда намаг тэйёрлаш каби йўналишларда 500 кишининг бандлиги таъминланган.

Хўш, ўтган вақт оралиғида кўҳна қишлоқда қандай ишлар амалга оширилди? Хукумат томонидан берилган топшириқ ва вазифалар ижроси қай даражада? — Давлатимиз раҳбарининг 2021 йилда Бухоро вилоятига ташрифи доирасида мазкур қишлоқни этнотуризм масканига айлантириш бўйича берилган топшириқлар унинг мафтункор ва эртанамо манзилга айланишига асосий замин бўлди, — дейди Вобкент тумани ҳокими Фарҳод Умаров. — Ҳозир Ширин қишлоғи этнотуризмга ихтисослашган. Қадимий урф-одат ва аъёналар қайта

тикланаётган ушбу худудда кўҳна тош тегиридонда бугдўй ва ариа уни чиқариш, катта дошқозонларда қадимги таомлар тэйёрлаш йўлга қўйилган. Аслида, шўрданақ, ширинликлар ва хунармандлик маҳсулотлари тэйёрлаш мазкур қишлоқда авлоддан авлодга ўтиб келаётган бобо касб саналади. Ҳозир бу ерда қишлоқ ҳаётини акс эттирувчи қадимий буюмлар музейи ва миллий хунармандлик бурчаклари ташкил этилган. Шунингдек, сувенир буюмлар дўконлари, таржимон ва экскурсия хизмати, қишлоқ атрофида жойлашган кўлларда

балиқ ови, қадимги сандал уйларда тан-дирда нон ёпиш, шўрданақ ва нишолда сингари миллий таомларимизни тэйёрлаш жараёнларида сайёҳларнинг бевоисита иштирокини таъминлашни ўз ичига олган этнотуризм маркази ҳам фаолият юритапти.

Қишлоқда 55 ўринли меҳмонхона, тўқсон ўринли 14 та ўтов ҳамда турли дўконлар ташриф буюрувчиларга сифатли хизмат кўрсатаёттир.

Худудда “Nodir Nozim ko'li” МЧЖ томонидан балиқчилик кластери ташкил этилган. 20 дан ортиқ меҳмон уйи, 10 га яқин хунармандлик маркази, йигирмадан зиёд савдо ва умумий овқатланиш шохбаси, балиқчилик, ҳолвапазлик, шўрданақ тэйёрлаш каби хизматлар маҳаллий ва хорижий меҳмонларга мунтазир.

— Қишлоққа ташриф буюрган сайёҳ борки, унутилмас таассуротлар билан қайтади. Чунки этноқишлоққа хос барча жиҳатлар мужассам. Бу ерда миниатюра ва хаттолик санъати ҳақидаги тасаввурларни бойитиш имкони ҳам бор, — дейди Вобкент тумани ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари Шуҳрат Шарипов. — Миллий қадриятларимизни саҳна кўринишлари орқали намойиш этувчи “Навхўл” фольклор жамоасининг доимий қишқилари эса меҳмонларга бирдай манзур бўлмоқда.

Қишлоқда кулоллик, каштадўзлик, зардўзлик, гиламчилик, патдўзлик, темирчилик, ёғоч ўймакорлиги, жундан ип йигириш, мато тўқиш, миллий кўғирчоқлар ясаш, миниатюра санъати, сават тўқиш, қадимий усулда намаг тэйёрлаш каби йўналишларда 500 кишининг бандлиги таъминланган.

Гуличехра ДУРДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

“Яшил макон” Кўчатлар сувсизликдан эмас, эътиборсизликдан қурийд

Бошланиши 1-бетда

Кармана аҳли ҳам “Яшил макон”нинг жорий йил баҳорги мавсумида фаол иштирок этди, туманда 1 миллиондан зиёд дарахт ва бутта кўчати экилди. Малик маҳалласида яхши ниятлар билан катта боғ яратилди. Ушбу хайрли ишларда нафақат корхона ва ташкилотлар, балки нурунийлар, маҳаллалар аҳолиси, ёшлар ҳам фаол қатнашди.

Навоий вилоятининг катта худудиди Қизилқум чўли ястаниб ётибди. Чўл худудларда ўзига хос яшилликни ва экотизимни таъминлаш, шамолда қум учуши ва кўчишининг олдини олишда саксувлунинг ўрни катта. Шу мақсадда вилоятнинг бир неча туманларида саксувлунзор яратишга киришилди.

Жумладан, Нурота туманининг Адизобод қишлоғидаги ўрмон хўжалигига тегишли 40 минг, Зарафшон шаҳри атрофида 5 минг, Учқудуқ туманининг Шалхар овулидаги давлат ўрмон хўжалиги тасарруфидаги 50 гектар ерга саксувлунзор яратилди.

— Туманимизнинг аксарият худудини чўл ташкил этади. Ёзи жазирама, доимий равишда қум-чанг бўронлари кузатилади. “Яшил макон” лойиҳаси орқали бу каби табиат инжиқликларига қарши туриш ва

экологик барқарорликни таъминлаш мумкин. Бунинг учун худуд иқлимидан келиб чиқиб, фақат саксувлун экинни кўпайтиришга эътибор қаратмоқдамиз, — дейди Учқудуқ тумани давлат ўрмон хўжалиги раҳбари Илҳом Саидов.

Шунингдек, навоийлик 100 дан ортиқ ёш Мўйноқ туманида бўлиб, “Орол тақдир” — келажак авлод тақдир” шиори остида денгизнинг қуриган қисмида саксувлун кўчатлари ўтказиш акциясида иштирок этиб қайтди.

— Навоий кон-металлургия комбинати, Навоий кончили ва технологиялар университетига ёшлардан таркиб топган кўнгилчилар ушбу акцияда учинчи маротаба қатнашди. Асосий мақсадимиз Оролбўйини худудларида экологик вазиятни яхшилашга ҳиссамизни қўшишдир. Албатта, келгуси мавсумларда ҳам Мўйноқ туманига бориб, бу хайрли ишларимизни давом эттирамиз, — дейди Навоий кон-металлургия комбинати ёшлар етакчилари кенгаши раиси Санжар Ражабов.

Маълумотларга кўра, 2020 йилдан буён юртимизда 22 мингта янги сонаот корхона-наси ишга туширилган, шу даврда қарийб 250 мингта янги уй-жой барпо этилган. Ҳозир сонаот корхоналари ва автомобиллар атмосферага 2 миллион тоннадан ортиқ ифлослантирувчи модда чиқармоқда.

Шу боис, бундай корхоналар атрофида “яшил белбоғ” яратилиши энг мақбул ечимдир. Қолаверса, йирик ишлаб чиқариш мажмуалари жойлашган худуд экологияси ҳақида қайғуриш ҳар бир корхонанинг юксак экологик маданиятини, шунингдек, давлатимиз олдидаги ижтимоий масъулиятини англатади.

Навоий вилояти сонаотлашган худуд, Шунинг учун бу ерда “яшил белбоғ” яратиш ҳар доим долзарб бўлиб келган. Жумладан, “Қизилқумцемент” акциядорлик жамияти томонидан корхона атрофида 3 мингдан зиёд қайрағоч ва саксувлун кўчати экилиб, “яшил белбоғ” яратилди. Бундан ташқари, корхонанинг санитар-муҳофаза худудидидаги 11 гектар майдонда минглаб дарахт кўчатлари ўтказилиб, 500 килограмм бутта уруғи сепилди. Ҳар бири 60 тоннадан сизимга эга икки резервуар ўрнатилиб, томчилашти суюриш йўлга қўйилди.

— Цемент ишлаб чиқарувчи корхоналар экологияга салбий таъсир кўрсатиш бўйича 1-тоифага мансуб. Шунинг учун



энг оқилона ечим корхона атрофида яшил худудларни кенгайтириш ва “яшил белбоғ” ташкил этишдир. Бу жараён корхонанинг табиатга зарарини камайтиришга ёрдам беради, — дейди “Қизилқумцемент” бош экологи Зариф Бердиев.

Умуман олганда, “Яшил макон”нинг жорий йил баҳорги мавсумида Навоий вилоятида атроф-муҳитга салбий таъсирни бўйича биринчи ва иккинчи тоифаларга кирувчи йирик сонаот корхоналари тев-

рагидаги “яшил белбоғ”ларга 260 мингдан зиёд ва чиқинди полигонлари атрофида 25 мингта яқин дарахт кўчатлари экилди.

Энди асосий эътибор уларни парвартириш, кўкартириб олиш ва босқичма-босқич зарур агротехник тадбирларни амалга ошириш жараёнларига қаратилган.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Қонун устуворлиги эса шундай меъёрки, фикрлар хилма-хил бўлса ҳам муносабат, ёндашув бир хил бўлади. Шу билан бирга, қонун устуворлиги турли фикрларни ҳам ҳурмат қилади. Муаммо бир ёқламаллик билан эмас, ҳуқуқий воситалар орқали ҳал этилади.

Таҳлил ва таққос

ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУР ХОДИСАСИ

Ёхуд тараққиётнинг ўқилдизига нега бефарқмиз?



Боборавшан ҲОЗИДДИНОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Бошланиши 1-бетда

Негаки биз фақат камерага, ЙПХ ходими-га дуч келсакки, қондалар эсимизга тушади. Шу боис, йўлларимизни сунъий тўсиқлар билан тўдириб чиқамиз. Шунинг ўзиёқ қонунларга амал қилишда сусткаш эканимизни кўрсатади. Буни кимдир қизил чирокда ўтишдек хатарли эмас, дейиши мумкин. Аммо халқимизнинг "Томчи тошни тешади" деган нақлини унутмаслик керак. Ана шундай кичик қондаларни бузавериш жиддий қонунбузарликларга замин ҳозирлайди. Оқибатда жамиятда имкони топилса, қонунларни четлаб ўтиш мумкин, деган нотўғри қараш шаклланади. Аксинча, жамиятда ҳуқуқий тафаккур юқори бўлса, ўзаро ҳурмат, тенглик ва дўстлик муносабатлари мустаҳкамланиб бораверади.

Қонунни билмаслик жазодан озод қилмайди

Қайси жамиятда ҳуқуқий саводхонлик даражаси паст бўлса, қондабузарлик кўп учрайди. Қонунни билмаслик эса жазодан озод қилмайди. Оқибатда давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларда ишончсизлик пайдо бўлади. Негаки ўзининг бурчини билмаган шахс жазога тортилганда ноҳақликка учрадим, деб ўйлайди.

Бир мисол, жамоат жойида тамаки чекканлик учун жарима бор. Айниқса, ўтган 2023 йилда шу ҳақдаги қонун янги таҳрирда қабул қилинган, кенг миқёсда тарғиб этилди. Аммо бундан ҳамон беҳабарман, дейдиган юртдошларимиз бор. Метронинг Буюк ипак йўли бекати орқали ишга қатнайман. Хар кунни пивдалар йўлагининг серқатнов жойида ИИБ ходимлари жамоат тартибини сақлаб туради. Кунда тамаки чекканларни жаримага тортаётганига гувоҳ бўламан. Қизғин, уларнинг аксарияти узоқдан ходимларни кўрса-да, қонун бузаётган ҳайдовчилардай хушёрлини оширмайди, тамакини бемалол тутатиб келеради. Чунки улар жаримага тортилиши мумкин эканини билмайди.

Бир сафар ишдан қайтишда йўл четидаги сотувчи қаршисидан ўтаётганим. Биздан уч қадам нарида жамоат тартибини



сақлашга масъул ходимлар ўрта ёшлардаги кишини тўхтатибди. Хатосини айтганим, у киши ажабланди. Дастлаб қонун посбонларини ёлғончиликда айблади, бўлмади. Сўнг инсоф-диёнат ҳақида вазъ ўқиб, қонундан беҳабарлигини, амал оғохлантириш кераклигини айтди. Тасаввур қилинг, у қонундан беҳабар экани учун жазоланмади. Кейинги сафар бошқа ходимга дуч келганимда яна шу ваз жазодан қутулиб қолмаслигига ким кафолат беради?

Агар жамиятда шундай тенденция авж олса, ким ўрнатилган тартиблардан хабардор эканини аниқлаш абсурд ҳодисага айланади. Энди фақат қонун чеккиш эмас, ундан ҳам хатарлироқ қонун бузиларига кўради. Бинобарин, жамиятда ҳуқуқий саводхонлик даражаси юқори бўлиши керак. Агар инсонлар ўз ҳуқуқ ва бурчларини яхши билса, унга амал қилиш кўникмаси шаклланса, жамиятдаги иллатлар кескин камаади, мамлакат тараққий этади. Ҳўш, мазкур ҳолатни соҳа мутахассислари қандай изоҳлайди?

— Жорий йил учун қабул қилинган давлат дастурида қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш вазифалари яна бир бор белгилаб берилган. Бунга фақат ҳуқуқий саводхонлик

орқали эришиш мумкин, — дейди юридик фанлар номзоди, доцент Ҳайдарали Юнусов. — Негаки инсон ҳуқуқлари ҳар қандай тартиботнинг марказий нуқтаси ҳисобланади. Қолаверса, инсон ҳуқуқларини фақат бир кишининг тақдирига дахлдор масала сифатида тушунамаслик керак. Унинг замирида бутун жамиятга хос ижтимоий воқелик ётади. Биргина инсоннинг мурожаат қилиш ҳуқуқини олиб қарасак, у асосида давлат идоралари ва фуқаролик жамияти тузилмаларининг эътибори муайян бир ижтимоий аҳамиятга молик масалага қаратилади. Эки шу йўсида инсон ҳуқуқларининг ҳимояси талаб қилинади.

Шу билан бирга, у давлат ва шахс ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлайди. Шахсининг ижтимоий фаоллиги жамият ва давлат органларига ҳам жиддий таъсир ўтказиши мумкин. Жараён узлуқсизлигини таъминлайди. Кейинги йилларда давлат идораларига мурожаатлар кескин ошди. Бу яхши. Чунки шу орқали жамиятда ташаббускорлик руҳи тарбияланади. Инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг фаоллиги ортади. Зарурий ислохотларни амалга оширишга ундайди. Шу тариқа кўп қиррали ва таркибли ислохотлар натижаси ўлароқ, муайян ижтимоий тараққиётга эришилади. Буларнинг замирида эса бизнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларимизни билишимиз ётибди.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий тафаккур, қонунларга бўйсунуш жамият тараққиётининг муҳим омилли. Бу кишилик жамиятининг дастлабки бошқичларидаёқ ўз исботини топган ҳақиқат. Жамоа бўлиб яшаш учун маълум қондаларга амал қилиш талаб этилади. Шу тариқа қонун чиқарувчи орган, жамоа сардорлари, оқсоқоллар кенгаши пайдо бўлди. Улар ўрнатган қонунга амал қилмаганлик учун қатъий жазо тайинланди. Яъни қонунларга табиий эҳтиёж туғилгани учун инсонлар унга риоя қилиш кўникмасини ўзлаштирди.

Тарғибот олиб борилмоқда, аммо...

Жамиятимизда ҳуқуқий билимларни эгаллашга бўлган қизиқиш талаб даражасида эмас. Қизиқ кидиш — ҳаммасини фарован яшашни, бахтли умр кечиришни истаётимиз, лекин унинг ўқилдизини билмаган ҳуқуқий саводхонликка унчаллик эътибор бермаймиз.

Едингида бўлса, ижтимоий тармоқларда журналистнинг референдум ҳақидаги саволига ёши ўттиздан ошган кишининг: "Нима у, ёмон нарса эмасми?" деган жавоби оммалашиб кетган эди. Уша одамнинг ҳолати бир қарашда кулгили



саҳифалар орқали қонунчиликдаги янгиликлар, саволларга жавоблар мунтазам бериб борилади. Яъни халқро стандартдаги тарғибот усулларида фойдаланилмоқда.

Эътиборли жиҳати, бунинг самараси ҳам кўринмоқда. Масалан, 2023 йил якуни бўйича юртимиздаги қарийб 9,5 миң маҳалладан 3 миңга яқинида, аниқроқ айтганда, 31,5 фоизда жиноят содир этилмаган. Афсуски,

Қайси жамиятда ҳуқуқий саводхонлик даражаси паст бўлса, қондабузарлик кўп учрайди. Қонунни билмаслик эса жазодан озод қилмайди. Оқибатда давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларда ишончсизлик пайдо бўлади. Негаки ўзининг бурчини билмаган шахс жазога тортилганда ноҳақликка учрадим, деб ўйлайди.

жиноятлар кўпайгани боис, "қизил" тоифага киритилган маҳаллалар ҳам бор.

Ҳа, ҳуқуқий билимларни бойитиш учун тарғибот олиб борилишига қарамай, жиноятчилик кескин камайиб кетгани йўқ. Қолаверса, ҳамон ўз мажбуриятини билмайдиган, ҳуқуқларини талаб қила олмайдиган одамлар бор. Улар ҳам шу жамиятда, сизу бизнинг орамызда юрибди. Демак, ҳар бир жамиятнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳуқуқий тарғиботда маълум янгиликлар қилиш талаб этилади. Ҳўш, бу борада соҳа мутахассислари нима дейди?

Фикрлар турфа, мақсад битта бўлиши керак

— Фуқароларни қонунга иттиқорлик руҳида тарбиялаш учун таълим сифатини кучайтириш, таълимни реал ҳаётга боғлаш зарур. Яъни бола ўрганаётган маълумоти амалда борлиги, ўзи шу муносабатлар иштирокчиси эканини гувоҳи бўлсин, — дейди Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи Дилмурод Ражабов. — Миллионлаб фуқароларга ўз ҳуқуқларини талаб қилишни ўргатиш билан бирга давлат хизматчилари, мансабдорларнинг ҳам ҳуқуқий тафаккурини ислоҳ қилиш зарур. Бу орқали энг кўп бўғинларга қонунийликни таъминлашда яхши натижаларга эришамиз, тизимда муаммолар камроқ бўлади, иш самарадорлиги ўсади. Бугунги кунда аҳоли ҳаётида қандай ҳуқуқий муносабатларда муаммолар бўлаётганини таҳлил қилиб бориш, шунга монанд аниқ ва манзилли ишлаш лозим.

Ижтимоий ҳуқуқий онг ўлчовларидан бири бу — инсонларнинг бир-бирига бўлган чекловлари ва ўз-ўзлариникининг олдини олиш. Айниқса, бизнинг жамиятда "самосуд" ҳолатлари ҳуқуқнинг онга тескари ишлайдиган кўринишидир. Ижтимоий тармоқларда маълум шахсларни оммавий сазойи қилиш билан боғлиқ ҳолатлар ҳам учраб турибди. Булар истиқболда эркин жамият қуришга тўсиқ бўлади. Одамларнинг адолатли ва ҳафсиз шароитда яшашга ишончини сўндиради. Шунинг учун бу борадаги тарғибот ва таълиқоти кучайтириб, бундай ҳолатларга қарши қатъий курашиш керак.

Жамиятда сўз эркинлиги ва демократлаштириш тобора ривожланиб бораётган экан, фикрлар турли-туман, гоғлар ҳар хил, яъни плорализм принциплари табиий равишда чуқурроқ сингиб боради. Шу боис, янги қабул қилинаётган ҳужжатлар ушбу ҳолатларга ҳам очик фикрлар билдирилмоқда. Соғлом жамиятда ўзгаришларни ҳамма ҳам бир хил қабул қилмаслиги табиий.

Бунинг тўғри тушунишни ҳам ўрганишимиз керак. Яъни бундай шароитда абсолютизмни таъминлаб бўлмайди.

Конституциямызда ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас, деб бежиз ёзилмаган. Ана шу жараёнда одамларни бирлаштирувчи ягона восита, механизм бу — қонун устуворлиги. Яъни миллий ғоя сифатида биз, ҳуқуқшунослар аҳолини қонун устуворлиги ғояси атрофида бирлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз. Чунки қонун одамларнинг ахлоқий, сиёсий қарашларидан қатъи назар, ягона талабларни белгилайди. Барча учун мажбурий меъёрларни ўрнатади.

Қонун устуворлиги эса шундай меъёрки, фикрлар хилма-хил бўлса ҳам муносабат, ёндашув бир хил бўлади. Шу билан бирга, қонун устуворлиги турли фикрларни ҳам ҳурмат қилади. Муаммо бир ёқламаллик билан эмас, ҳуқуқий воситалар орқали ҳал этилади.

"Ўзбекчилик" ўзбилармонликка йўл очмасин

Қонун бошқаларнинг ҳуқуқини қандай ҳурмат қилишни ўргатиш билан бирга ҳаққимизни талаб этишга ҳам замин яратаяди. Ишонсизми, шунин билан ҳам ҳақ-ҳуқуқини қонуний йўл билан талаб этолмайдиган юртдошларимиз бор. Шундай вазиятларда "Ўзбекчилик" деган ниқоб ортга яширинамиз. Ана шу хато тушунча сабаб қонуний чораларни четлаб ўтишга уринамиз. Масалан, қондабузарлигимиз туфайли тартиб посбонлари тўхтатса, Ўзбекистон, дейимиз. Кимдир ҳаққимизни еб кетса, ўзига инсоф берсин, шунинг деб юзим шувут бўлмасин, дея қўл силтаймиз. Яқинда қизиқ ҳолатга дуч келдим. Кўшимча ҳаммаси

учун кредит олади. Қарз олувчи кредитни ўз вақтида тўламайди. Оддий қоровул бўлиб ишлайдиган кўшимнинг маоши ҳам ўзига яраша. У бор пулини шу кредитни тўлашга сарфлайди. Икки йил давомида маошининг ярми бировнинг қарзи учун сарф этилади. Ҳаммаси эса орадан шунча вақт ўтса ҳам пулни қайтариш ҳақида ўйламайди. Қўшим танг вазиятда қолган, яқинларининг қистови билан судга ариза беради. Дастлабки ўрганишдаёқ айбдорлик аниқ бўлган, низо томонлар келишуви асосида ёпиладиган бўлади. Аммо бир мунддат ўтиши билан қарз олувчи дийдённи бошлайди: "Ҳозир моддий аҳоли яхши эмас, аризини қайтариб олинг, пулни, албатта, тўлайман, фақат озгина кутинг".

Узини чоғга ташлаб бўлса-да, бошқага ёмонлик истамайдиган оққунгил кўшим бу шартга рози бўлишига бир баҳа қолади. Кўшимларнинг маслаҳати, қонун посбонлари тўғри йўл кўрсатгани боис, аризини қайтариб олмайди. Бу каби ҳодисаларга дуч келганимда доим битта савол қийнайдми: нега шундайми?!

Ижтимоий тармоқларда, ўзаро суҳбатлар чоғида масъулларнинг бепарволиги, вазифасини бажармаслигидан нолийимиз. Аммо вақти келганда ҳуқуқимизни талаб қилишни билмаймиз. Бундай вазиятда кўшим каби йўл тутишни маъқул кўраимиз. Гоҳида

Яъни кишилар, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқларига онд билимга эга бўлиши керак. Бироқ шу билан чекланиб қолмасдан, мазкур билимлардан фойдалана олиш малакасини ҳам эгаллаши лозим. Жамиятимизда масаланинг айни мана шу жиҳатида "депсиниш" бор. Оддий одамлар қонунлардан хабардор бўлган ҳолатларда ҳам ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ёки уларни тиклаш мавриди келганда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этишда сусткашликка йўл қўяди. Демак, фуқаролар онги ва ҳуқ-қтворада ҳуқуқлардан фойдаланишнинг амалий кўникмасини ривожлантириш зарур.

Бу борада, балки, амалий тренинг курсларини ташкил этиш керакдир. Энг муҳими, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги илғор амалий тажрибаларни оммалаштириш лозим. Кимнинг ҳуқуқлари муваффақиятли ҳимоя қилингани ёки уларнинг тиклангани кенг жамоатчиликка бонг уриб етказилиши керак. Шундай амалий натижалар фуқароларда ишонч руҳини мустаҳкамлайди. Уларни бефарқлик ёки ҳафсаласизлик кайфиятидан халос қилади, кейинги қадамлар сари илҳомлантиради.

Йўлдаги сунъий тўсиқлар ва қонунчилик

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш борасида бир қанча вазифалар белгилаб берилган. Улар орасида қонун ижодкорлигида халқнинг иштирокини кучайтиришдан тортиб, судлар мустақиллиги, адвокатура соҳасидаги ўзгаришларга қарамб олинган. Чунки мамлакат тараққий этиши учун қонунлар барчага баробар керак.

Қонунларга таянган жамият табиий равишда пайдо бўлган, дедик. Шу боис, қонун устуворлиги доим табиат қонунларига амал қилиб ишлайди. Яъни ҳуқуқ ва бурчларимиз худди дарахтга ўхшайди. Дарахтлар ҳавонини тозалаш бергани сингари қонунлар жамиятни иллатлардан тозалайди. Ниҳол унинг учун тепадан нур, илдиждан сув ичиши керак.

Қонунлар ҳам худди шундай. Қонун устуворлигига давлат миқёсида имконият берилади. Уларга эҳтиёж эса дастлаб жамиятнинг энг қуйи бўғинида шаклланади. Агар жамиятда, оддий одамлар орасида қонунларни ҳурмат қилиш ҳисси туғилмас экан, масъуллардан масъулиятни бўлишни талаб этиш мушкул. Негаки бундай жамиятда инсонлар ўртасида соғлом муносабат кам бўлади. Ҳазор ҳурмат камаади. Қуйи бўғиндаги мазкур олтин халқа бузилса, худди мен меҳмонга борган маҳалладаги каби боши берк қўнларини ҳам сунъий тўсиқ билан тартибга солишга мажбур бўламиз.



ҳаққимизни талаб этишда ҳам ошириб юборамиз, фақат ўзимизнинг ҳаққимизни илгарти сураимиз. Бу ҳам, аслида, ҳуқуқий билим етишмаслигидан далолат. Бундай вазиятларга барҳам бериш учун нима қилиш керак? — Аввало, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни янада кучайтириш зарур, — дейди Ҳ.Юнусов. — Маълумки, бу борада мамлакатимизда ва жаҳон миқёсида бир қатор нуфузли ҳужжатлар қабул қилинган. Масалан, Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастури, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон таълим дастури шулар жумласидадир. Уларда инсон ҳуқуқлари соҳасида узлуқсиз таълим орқали ҳуқуқий саводхонликни юксалтириш кўзда тутилган. Пировад мақсад ҳар кимнинг ўз ҳуқуқларини билиши ва улардан фойдалана олишига эришишидир.

Қизиқ, бир ҳовуч одам яшайдиган, бегоналар деярли келмайдиган кўчадаги ҳар бир уй рўпарасида сунъий тўсиқ бор. Бу худди ҳар бир шахс ўзи учун мустақил қонун яратиб олишига ўхшайди. Унинг ёндашган бошқалар секин ўтишини истаган киши ўзгаларнинг дарвозаси олдида тизилиш камайтирмайди. Бундай вазиятда фақат қонун устуворлиги қўл келади. Ҳа, инсонийлик нисбатан камайган, ахлоқий қондаларга амал қилиш суйайган вақтда қонунга иттиқорлик кўникмаси орқали жамиятни барқарор ушлаб туриш мумкин. Шундай экан, ҳар биримиз ҳуқуқий саводхонликни пухта ўзлаштиришимиз, қанчалик малол келмасин, бир маргалик фойдамиз учун уларни айланой ўтмаслигини ўрганишимиз шарт. Шундангина ўзимиз истаган тараққий элган жамиятни қуришимиз мумкин. Зеро, дарахт илдиждан қувват олиб, осмонга қараб бўй чўзади.

## Янгича ёндашувлар

Ғиёсжон РАҲИМОВ,

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти бош илмий ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби



Ўсимликларда учрайдиган стрессни камайтиради. Темир ва магний иони каби фотосинтез учун зарур минералларни капсулга бириктириш орқали фульвокислота ўсимликларда минералларни самарали ўзлаштиришга имкон беради.

Тупроқда озик моддалар кутилгандан камроқ бўлганда фужиминни минерал ўғит билан бирга сепиш ҳам экинлар, ҳам мевали дарахтлар учун самарали бўлади. Ёгингарчилик вақтида сепиш тавсия қилинмайди. Чунки ёмғир вақтида қўллаганда ёмғир суви билан ювилиб кетиши мумкин. Фужимин тупроққа сепилади. Шу билан бирга, уни вегетация давомида



Ёшида КАЗУЯ, "Япония табиатни муҳофаза қилиш муҳандислари" жамияти атроф-муҳит ва яшил муҳит бизнес бўлими бошлиғи:

— Биз мамлакатингизга дастлаб 1300 гектар майдонда ер деградацияга қарши ва ер унумдорлигини ошириш учун Фужимин технологиясини олиб келдик. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикасида қўланишга қарши янги лойиҳани амалга оширялгимиз. Юртингиз умуман, қишлоқ хўжалигида янги лойиҳаларни татбиқ этиш учун янги ҳамкорлар топиш ва шу йўналишдаги ишларга ўз ҳиссамизни қўшмоқчимиз.



### Бошланиш 1-бегда

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 20 февралдаги "Қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори доирасида, биринчи навбатда, гумуси кам ер майдонларини аниқлаш, мониторинг қилиш, тупроқ унумдорлиги пасайишининг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш вазифалари белгиланган. Агрокластерлар, йирик чорвачилик хўжаликларини, пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларини қорамол гўнги, келиб чиқиши ўсимликларга оид органик чиқиндилар ва фосфорит асосида гумусга боғлиқ органик ўғитлар тайёрлаш ва қўллаш, алоҳида ҳудудларда биогуомус тайёрлаш майдончалари ташкил қилиш топишириги берилган. Тайёрланган органик ўғитларнинг сифатли кимёвий таҳлил қилиш, шўрланган тупроқ шароитида гуминли органик минерал ўғитларни қўллаш агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича инновацион лойиҳани амалга ошириш каби бир қанча муҳим вазифалар кўзда тутилган.

Шунингдек, Япониянинг фужимин технологияси асосида ишлаб чиқарилган суюқ биоўғитни мамлакатимиз шароитида турли тупроқ ва экин турларида ҳамда иссиқхоналарда синовдан ўтказиш, қўллаш меъёрини ишлаб чиқиш бўйича мақсадли лойиҳани амалга ошириш, бу жараёнда ЎзФА, илмий-тадқиқот институтлари, маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар ҳамда тегишли ташкилот ва вазирликлар иштирокини таъминлаш вазифалари белгиланган.

### Бу қандай технология?

Фужимин Япониянинг маҳаллий ўрмон ресурсларидан тайёрланган юқори концентрацияли саналади. У табиатда жуда оз миқдорда ишлаб чиқариладиган мода. Одатда жонивор ва ўсимликларнинг микроорганизмлар таъсирида чиришидан ҳосил бўлувчи гумус таркибиде учрайди. Таркибиде фульвокислота мавжуд аксарият материаллар хориздаги тоғ-кон ресурсларидан қазиб олинади. Бу эса атроф-муҳитга зарар етказиш ва ресурсларни исроф қилиш эҳтимоли боис, жиддий муаммо ҳисобланади. Япониянинг табиатни муҳофаза қилиш жамияти хоризнинг қазилма ресурсларига таяниш ўрнига дарахтлар пайраҳаси ва мамлакатда ишлаб чиқарилган органик кислоталардан фойдаланиб, оммавий тарзда фульвокислота ишлаб чиқариш технологиясини яратган ва уни дунё миқёсида самарали жорий қилмоқда.

Фульвокислота хужайра мембраналарининг ўтказувчанлигини оширади. Бу эса ўсимликнинг тупроқдаги озук модаларини кўпроқ олиш имконини беради. Антиоксидант хусусиятларга эга бўлиб, токсинларни зарарсизлантиради. Гумин кислотаси тупроқда яхши иш беради. Тупроқ озук модаларининг ўсимлик билан боғланишини кучайтиради. Уларнинг ўсимлик хужайрасига ўтказилишини осонлаштиради. Азрацияни оширади. Суви ушлаб туради. Микроблар фаоллигини оширади ва кимёвий ўғитлар таъсирида

ҳамда ўсимлик ва мевали дарахтлар чанганиши яқинлашганда сепиш, пуркаш самара беради.

Фужимин суюқ биоўғитини қўллаш уч вариантдан иборат. Биринчиси, фужимин гектарига литр ҳисобида бир марта пуркалади. Иккинчиси, гектарига 1,5 литр нисбатиде икки марта пуркалади. Учинчиси, гектарига 2-2,5 литр ҳисобида икки марта пуркалади.

Фужимин технологиясини қўлланган вариантларда тупроқдаги гумус миқдори по-мидорда 0,988-1,002, булғор қалампиринда 1,032-1,011, тарвузда 0,953-0,905, гўзда 1,029-1,023, маккажўҳорида 1,073-1,091 фозини ташкил қилган. Ушбу технология қўлланмаган (назоратда) вариантларда эса ўртача 0,901-0,918 фоз кўрсаткичи аниқланган. Шунингдек, тупроқдаги умумий ҳамда ҳаракатчан азот шакллари ҳам фужимин қўлланмаган вариантлардагидан ўртача 30-40 фозигача кўп бўлиши кузатилади.

### Экологик тоза маҳсулот қафолати

Ҳозир витамин ва минераллар етарли даражада истеъмол қилинмаслиги натижада ҳомиладор аёллар ҳаминиси ва болаларда рационал ўсши, ақлий ривожланишда ортда қолиш ҳолатлари, катталарда эса қандли диабет, юрак-қон томир, эндокрин, хавфли ўсма каби эрта ўлимга олиб борувчи касалликлар ривожланиши аниқланган. Аёллар ҳомиладорлиги вақтида бола тўғри ривожланиши, иммун тизими ва мия фаолияти шаклланиши учун кальций йод (150-250 мкг), Д витамини (10 мкг), фолий кислотаси (400 мкг), темир (30 мкг) ва тўқималарга бой бошқа маҳсулотларга талаб юқори бўлади.

UNICEF маълумотларига кўра, 2 миллиардга яқин одам маҳсулотлар таркибиде витамин, минераллар етишмаслиги сабабли юқори ақлий ҳамда психологик саҳобиятга эга бўлмайди. Охириги 10 йилда дунёнинг қўлбал агарландшафтлари турли кимёвий моддалар билан ифлослангани ҳолатини мураккаблаштиради. Сабаби, бу моддалар атроф-муҳит, тупроқ орқали сув ва ўсимликка ўтади. Биргина мисол: таркибиде 5-7 фозигача нитрат бўлган сабзавот истеъмол қилинганда инсон хужайра ва органларининг кислотад билан таъминланиш даражаси пасайиб кетади. Натижада ҳаво етишмаслиги туфайли хансираш, қон босими тушиши, жигар фаолияти бузилиши, жисмоний ва ақлий фаоллик су-сайиши каби ҳолатлар кузатилади. Очик далада етиштирилган сабзавот экинларида нитратнинг рухсат этилган, мумкин бўлган максимал даражаси ўртача ҳисобда картошкада 250, эртани қарамада 900, сабзида 400, помидорда 150, бодринда 150, пиёзда 80, қовунда 90, тарвузда 60 мг/кг бўлиши тавсия қилинади.

### Тупроқда сув ва намликнинг сақланиши

Ҳозир пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва таркибини яхшилаш, шу асосда намликни белгиланган меъёрга ушлаб турган ҳолда исрофгарчиликка йўл қўймаслик гўят муҳим. Ушбу чора-тадбирларни қўллаш натижасида

йирик-йирик ривожланиб, фотосинтез жараёни ўтишига ижобий таъсир қилади. Шу тариқа илмий асосланган таҳлиллар бўйича ҳосилдорликнинг ошишини қафолатлади. Фақат ушбу ўғитни ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитига мос ҳолда, тавсиялар асосида белгиланган меъёр ҳамда ўз вақтида тўғри қўллаш лозим.

Шўрланган, унумдорлиги паст (гумус миқдори кам), сизот сув яқин жойлашган тупроқда осмотик босим ортиб, ердаги намлик ҳамда кўчатлар томири орқали озик моддаларни олиш ҳажми пасаяди. Натижада намлик ва суви етарли даражада оломаслиги туфайли янги экилган ёш кўчатларнинг физиологик ва биологик жараёни бузилиб, қуриб қолишига сабаб бўлади.

Фужимин технологиясини қўлланганда дарахт ва буталар тупроқдаги яхши сақланган намлик ва сувдан оптимал фойдаланиб, тезроқ илдиэ отади. Қуриб қолмай, жадал ўсиб ривожланади. Бу технология мамлакатимизнинг шўрланган, таркиби бузилган тошлоқ, қумоқ тупроқ шароитида ҳамда турли экинларда қўлланиб, синовдан ўтказилган.

Ҳозир глобал иқлим шароитига мос дарахт ва буталарни экиб ўстиришда энг керакли агротехнологиялардан бири



### Кўкаламзорлаштириш — "Яшил макон" тараққиёти

Она табиатнинг ўпкеси бўлган яшил ҳудудларни кенгайтириш, кўкаламзорлаштириш долзарб масалалардан. Бу йил баҳорда "Яшил макон" лойиҳаси доирасида 125

сугориш тизимини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Айниқса, турли тупроқ шароити (бўз тақир, қумоқ, тошлоқ каби) ва намлик даражаси жуда паст ерларга экилаётган дарахт ва буталар қуриб қолиш муаммосига дуч келинмоқда. Бунинг асосий сабаби кўкаламзорлаштиришда мақбул сугориш тизимини ишлаб чиқилмаганидир. Утган йили 10 миллиондан ортиқ янги экилган кўчат қуриб, нобуд бўлгани фикримизни тасдиқлайди. Янги экилган дарахт ва буталар нави, биологияси, ўсувчанлиги, томир отиши, экишда сарфланадиган сув сарфи каби шарт-шароитларга боғлиқ ҳолда зудлик билан илмий асосланган сугориш мuddати ва меъёрларини ишлаб чиқиш зарур.

Ҳозир мамлакатимиздаги экологик муаммоларга аниқ тизимли ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда фужимин технологиясини қўланиши экологик тоза маҳсулотлар етиштириш билан бирга тупроқ унумдорлигини ошириш ва шўрланган ерларни камайитиришга хизмат қилади. Шу асосда келажак авлоднинг баркамол, соғлом ўсиб-ривожланишига, катта ёшдаги миллионлаб одамларнинг истеъмол маҳсулотиде минерал ва витаминлар етарли даражада бўлиб, саломатлиги мустаҳкамланишига ҳисса қўиши мумкин.

Охириги икки йилда Тошкент давлат аграр университети ва Тупроқшунослик илмий-тадқиқот институти олимлари ушбу технологияни турли тупроқ ва экинлар, жумладан, мевали дарахтларда қўлаган. Ҳар қандай турдаги ўғитни қўллашдан олдин тупроқ хусусиятини таҳлил қилиш, бу жараёнда тупроқ намлиги 40-50 фоздан кам бўлмаслиги ҳамда ўғит меъёри ва қўллаш мuddати иқлим шароитига мослаштирилган дала самара бериши кузатилади. Фужимин технологиясини мамлакатимизда томчилатиб, ёмғирлатиб сугоришда тажрибадан ўтказиш тўғрисида тақлифлар берилган.

Ҳозирги вақтда сугориладиган ерда деградацияга қарши курашиш, шўрланишни камайитириш, тупроқ унумдорлиги ва пахта ҳосилдорлигини ошириш, экологик тоза сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш ҳамда атроф-муҳитни кўкаламзорлаштириш, "Яшил макон" лойиҳасидаги муҳим вазифа ва янги ташаббусларни амалга ошириш куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, айниқса, дарахт экишга қаратилган умуммиллий лойиҳани амалга ошириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиши беҳиз эмас. Юқоридаги масалаларни ҳал этишда илм-фан ва амалиёт уйғунлиги катта аҳамиятга эга. Айниқса, илгор инновацион технологияларни жорий қилиб, дарахт экишга қаратилган замонавий асосда ривожланишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам янги усул ва ёндашувлар, илм-фан асосий омил бўлиб хизмат қилади.



1. Ўғитлар ўсимлик томонидан тезроқ сўрилади.
2. Тупроқнинг РН буферацияси яхшиланади.
3. Тупроқнинг шўрланиш даражаси камаяди.
4. Фотосинтез учун оптимал шароит яратилади.
5. Қурғоқчиликка чидамчилигини оширади.

Фужимин суюқ биоўғитини қўллаш уч вариантдан иборат. Биринчиси, фужимин гектарига литр ҳисобида бир марта пуркалади. Иккинчиси, гектарига 1,5 литр нисбатиде икки марта пуркалади. Учинчиси, гектарига 2-2,5 литр ҳисобида икки марта пуркалади.

тупроқдаги намлик даражаси кейинги сугоришга етарли миқдорда бўлиши таъминланади. Ўсимликларнинг тупроқдаги озук модалари минералларни оптимал даражада олишига имкон яратади, сизот сув кўтарилиб, шўрланган ернинг шўрланиш даражаси камаяди. Тупроқ буферизацияси яхшиланиб, агрегацияси тезлашади. Натижада илдиэ тизими ривожланади.

Фужимин технологиясини турли тупроқ ва экинлар шароитида қўллаш айнан юқоридаги физиологик ва биологик ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда тавсия қилинган. Бу препарат қўлланганда таркибидеги фульвокислота ва гуминокислота тупроқ ҳамда ўсимликнинг хужайра мембраналарини оширишда фаол иштирок этиб, илдиэ тизимдаги капилляр найчалар фаоллигини оширади. Уларнинг тупроқда самарали иш беришини таъминлайди. Шу асосда тупроқдаги сув ва намликни ушлаб туришга сабаб бўлади. Қолаверса, фульвокислоталар тупроқда мураккаб, тезроқ боғламалар ҳосил қилиб, ўғит ва минералларнинг нисбатан самарали сўрилишига ёрдам беради. Ушбу органик биоўғит қўлланган ерда ўсимлик барглари, япроқлари

бўлган сугоришда турли муаммоларга дуч келинмоқда. Бунинг асосий сабаби кўкаламзорлаштиришда мақбул сугориш тизимини ишлаб чиқилмаганидир. Фужимин технологиясини қўллаш асосида янги экилган дарахт ва буталар биологиясини ҳисобга олиб, уларнинг тез томир отиб, баравж ривожланиб кетишига эришиш ҳамда экишда намлантириш чуқурлиги, ҳар бир туп дарахта сарфланадиган сув ва минерал ўғитлар миқдорининг ўзига хос хусусиятлари (дарахт, бута навлари, биологияси, сувга талаби, сугориш мuddати ва ҳоказо)га кўра, илмий асосланган



Ижтимоий тармоқлар ҳозир фақат кўнгилочар жой эмас, аллақачон миллионлаб сотувчи “рўзгор тебратётган” улкан бозор ҳамдир. Уларнинг орасида тўғри ҳам, ўғри ҳам бисёр. Бори борини, йўғи орини сотиб кун кўряпти. Бироқ қобилдан муғомбирининг саногии ортиқроқ. Яъни бу бозорда анъанавий бозорда юргандан кўра хушёрроқ бўлавериш керак.

Долзарб мавзу

Университетнинг 2-курс талабаси эдик. Ўқув йили охирида, синовлар яқинлашётган палла. Ҳамма курсдошлар имтиҳон қайғусида, қолдирилган дарсларни қайта топшириш билан андармонмиз. Лекин бу орада бир курсдошимиз нимагадир ўқишда кўринмай қолди. Аввалига касал бўлса керак, деган хаёлда юрдик. Бироқ орадан 10 кун ўтди ҳам дарак йўқ — халиги хаёл хавотирга айланди. Хабарлашдик. Курсдошимизнинг умуман кайфияти йўқ. Энди ўқишга бора олмасам керак, дейди.



Виртуал иммунитет — ундан энг самарали химоя

Донишманд халқимиз топиб айтган: “Бир балоси бўлмаса, шудгорда куйруқ на қилур?”. Фирибгарлар маблағингиздан олдин нафсингизнинг бошқарувини кўлга киритади. Энг қийини ва муҳими ҳам шу-да! Кўп бўлмади, бир танишим иккинчи марта “хакерлар”га пулини олдириб қўйгани ҳақида гапириб қолди. “Оғзи куйган қаттиқни ҳам пуфлаб ичади”, биринчиси дарс бўлмади десам, 10 фоизли кредит ҳақида ёзилгани ақлини шошириб, кредит берамиз, деб алдамаса керак, дея ўйлаганини айтди. Мен эса унга “Марказий банкнинг ҳам кредит ставкаси бундан банд, ким сизга зарарига кредит берарди, ҳеч йўқса, шунини ўйлаб кўрмадингизми?” мазмунида танбеҳ берган бўлдим.



Ижтимоий тармоқ услубларига ижтимоий тармоқ имкониятлари билан қарши туришимиз керак. Яъни бу борада огоҳликка чорловчи контентларни янада кўпайтириш, фирибгарликнинг янги турлари ҳақида доимий, ўзига хос шаклда огоҳлантириб турувчи платформа бўлиши зарур. Токи шундай ҳолатга дуч келган одам бунинг фирибгарлик эканини дарҳол англасин.



Жонибек АЛИЖОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Нима бўлди экан? Ҳаммамизда ҳар хил таҳмин: сабабини билгимиз келарди. Охири бир амаллаб даврамизга қақириб олдик. Аниқ бўлишича, шўрлик курсдошимиз уйдогоҳлари контрактга деб картасига юборган пулни фирибгарларга ўғирлатиб қўйибди. Қилган иши — телеграмдан келган “совринли ўйин”га қатнашиб, сўралган жойга телефонига келган махфий қодни киритган. 10 дақиқа ўтар-ўтмас картадаги пулдан бир тийин ҳам қолмади. Йил охири эмасми, контракт пулини тўлаш мuddати ҳам жуда кам қолганини билган курсдошимиз мени баариб ўқийдиган четлаштиришса керак, деб ўйлаган.

Бу кундалик ҳаётимизда учраб турадиган воқеалардан биттаси, холос. Оммавий ахборот воситалари қанча кўп ёзмагин, фоллар аҳолини огоҳлантириб, қанча бонг урмасин, аксариятимиз шундай фирибгарликлар қурбони бўлишга давом этаёмиз. Нега? Сизнинг ҳам ақлингизга дастлаб виртуал билимимиз саёз-да, соддамиз, деган жавоб келса керак. Бироқ ҳар доим ҳам шулар сабабини? Фирибгарлар кун сайин янгидан янги усуллар ўйлаб топмоқда. Уларнинг кўпчилиги эса одамларнинг нафсини қитқилашга асосланади.

Нафс курсин-а...

Мен билган аксар одам “Фалон дўконда фалон акция экан”, “Фалон бренд маҳсулотини фалон фоиз чегирмада харид қилинг” қабилидаги фирибгарлик хавола-ларига чув тушган. Нафс кимда йўқ? Ким ҳам кам сарфлаб, кўп олишни истамайдик?

Текширишни ўрганайлик

Юқорида фактчекнинг маданиятини ривожлантириш ҳақида гапирдик. Тўғриси, бу ҳақда кўп гапирдик. Унда натижа нега куттилганидек эмас? Фактчекнинг билмаслик туфайли қунда-қунора виртуал қурбонликларни эшитяпмиз. Яқинда бир киши ижтимоий тармоқдаги қандайдир лойиҳага анча маблағини тикиб юборибди. Бериди-ю, шу заҳоти улар томонидан блоклянибди. Нима бўлибди ўзи десангиз, халиги аккаунт машур хайриячи ватандошимиз номидан очилган экан. Сохта реклама видеосининг охирида эса ўша машур инсоннинг бошқа лойиҳа ҳақида айтган “лоийҳада, албатта, иштирок этинг” мазмунидаги парчани улаб қўйишибди. Халиги танишимиз “Мана, ишончли одам айтган экан-ку, бунга ишонса бўлади”, деб ҳеч қаерини текширмай, пулни ўтказаверибди. Шу нуқтада ўйлаб қолдим — юртдошларимиз орасида сунъий интеллектсиз ҳам алдам мумкин бўлганлари жуда кўпчилигини ташкил этади.

Интернет — бозор, ахборот — маҳсулот

Ижтимоий тармоқлар ҳозир фақат кўнгилочар жой эмас, аллақачон миллионлаб сотувчи “рўзгор тебратётган” улкан бозор ҳамдир. Уларнинг орасида тўғри ҳам, ўғри ҳам бисёр. Бори борини, йўғи орини сотиб кун кўряпти. Бироқ қобилдан муғомбирининг саногии ортиқроқ, Яъни бу бозорда анъанавий бозорда юргандан кўра хушёрроқ бўлавериш керак.

Анъанавий бозорда товламачи сизга яроқсиз молини ўтказиши учун энг камида унга харидор бўлишингиз, молининг ҳеч йўқса баҳосини сўрашингиз керак. Аммо интернетда бир назар солишингиз ўзи кифоя. Масалан, яқинда телефон харид қилиш учун бир интернет-дўконнинг ижтимоий тармоқдаги саҳифасини кузатиб, ўзимга маъқул келган реклама постига ёқтириш тугмасини босдим. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас бир нотаниш аккаунт эгаси менга хабар юборибди. Қарасам, худди ўша каминга ёққан телефон бозордагидан 30 фоиз арзон нархда сотилиши ҳақидаги эълон. Унинг охирида “Буюртма бериш учун ушбу хаволага кирилинг”, деб ёзилган. Хушёр тортидим, аввал текширай-чи. Ростдан ҳам бундай ном билан расмий фаолият юритувчи ҳеч қандай интернет дўкон йўқ. Агар текшириб қўрмаганимда, мен ҳам ҳозир бошимни чангаллаб ўтирган бўлардим! Айтганича, у менга шундай телефон керак эканини “ёқтириш” белгисини босганимдан билган.

Мақолани ёзиш давомида айнан виртуал фирибгарлик ҳақида эшитганим бир нечта ҳаётий ҳикоя ёдимга тушди. Улардан айримларини сизга илдиним.

На кулишни, на йўғлашни биласан (Таксичининг ҳикояси)

— Ярим йилча илгари Facebook орқали бир одамдан хабар келди. Чет эллик экани аниқ, аввалига куюқ сўрашиб, танишди. Сўнг ота-бобоси ўзбек экани, фарзандлари йўқлигини, ўлими олдиндан меросини ота-боболари юртининг одамларига қолдириб кетишини ёзди. Айтишича, излаб-излаб мени топибди. Фирибгар эканини кўнгилм сездим. Лекин ёзишавердик. Суҳбат банк учун сугурта пулини унга юборишимга етди.

Телефонга берилиб кетганимни кўриб, бир пайт бундан рафиқам хабар топиб қолса денг. Бунча пулни эшитиб, юборайлик, юборайлик, деб хархашани бошлади. Буларга ишонмаслик керак, десам ҳам кўнмади. Мен ҳам нима бўлса булар деб, машина олиш учун йингиб юрган пулимдан 10 миллион атрофидаги пулни бир амаллаб уларга юбордим. Сценарий худди кутганимдек бўлди. Аввалига араздан гаплашмай юрган рафиқам энди уятдан 3-4 кун гапирмай юрди.

“Ҳар ой кредит тўлагунча эслаيمان...”

— Иш излаб юрган пайтларим эди, — дея ҳикоя бошлади яна бир танишим. — Бир кун кечқурун ижтимоий тармоқда иш бўйича эълонга кўзим тушиб қолди. Мазмунига кўра, уйда ўтириб ишланадиган, қунга яхшигина даромад топса бўладиган иш. Нима бўлса бўлсин дедим-у, хаволага кирдим. Тушунишимча, савдо агенти сифатида фаолият юритаман. “Эслаيمان”, деб ҳамма маълумотларни киритдим. Лекин карта маълумот сўрамади. Айнан шу нарса менда ишонч пайдо қилди — фирибгарлар, асосан, картани улаш орқали ўмарди, демак, бу рост бўлса керак, деб ўйладим.

Бир қарасам, почтамага хабар келибди, унда ишга қабул қилинганим, аммо ишни бошлашдан олдин озроқ депозит киритишим, бу депозит вақт давомида ўсиб бориши айтилганди. Шубҳадан асар ҳам йўқ, аммо чўнтакда маблағ ҳам йўқ, Тавakkал дедим-у, банкдан микроқарз олиб, халиги “депозит”ни тўлдиришим. Тўлов амалга ошди-ю, улар мени “қора рўйхат”га равона қилди. Халиги кредитни эса ҳозиргача тўлаб келяпман.

Нима қилиш керак?

Одамларга медиасаводхонликни ўргатиш туриб, рақамлар камайишини кутмиш бейфойда, назаримда. Хўш, буни қандай қилиш мумкин, тақлифларини билдир, дерсиз. Энг аввало, ижтимоий тармоқ услубларига ижтимоий тармоқ имкониятлари билан қарши туришимиз керак. Яъни бу борада огоҳликка чорловчи контентларни янада кўпайтириш, фирибгарликнинг янги турлари ҳақида доимий, ўзига хос шаклда огоҳлантириб турувчи платформа бўлиши зарур. Токи шундай ҳолатга дуч келган одам бунинг фирибгарлик эканини дарҳол англасин.

Иккинчидан, кўчаларда, яъни ташқи реклама объектларида ҳам бу борадаги материаллар янада кўпроқ намойиш этилиши лозим. Ҳозир бундай огоҳлик рекламаларига ҳар доим ва ҳар қаерда ҳам дуч келаверишимиз. Учинчидан, медиасаводхонлик таълим муассасаларида махсус соат сифатида ўқитилиши аниқ муқоаб бўлади. Айниқса, шахсий картасига эга ҳамда оз бўлса-да, даромади бор талабалар орасида бу ташаббусни амалга ошириш жуда муҳим. Бундай соатлар мактабларда ҳам жорий этилиши эса нур устига аъло нур. Қилиниши лозим бўлган ишлар талай, бугунги ҳолат эса уларни тезроқ амалга оширишни тақозо этади. Акс ҳолда, бундай фирибгарликлар қурбонлари сони кўпаяверади, кўпаяверади...

Юксалиш палласи

Кўпгина кашфиётлар тасодифан юзага келган. Дарахнинг тагида ўтирган Ньютоннинг бошига олма тушади, бунинг натижасида олим бутун олам тортишиш кучи қонунини кашф қилади. Олим Александр Флеминг замбуруғдаги пенициллин моддаси у синов ўтказаятган бактерияли моддага тушиб қолганини кўради. Микроскоп ёрдамида кузатиб, пенициллин бактерияларни ўлдириб бораётганини англайди ва антибиотик дориларни яратди.



ТОКАЙГАЧА “БИЗГА БЎЛАВЕРАДИ”?

Дастлаб термизлик иқтидорли ёшлар UNICEF томонидан амалга оширилаётган “ImkonLab” — ижтимоий инновацион тадбиркорлик дастури доирасида ўз жамоасини тузди. Мазкур дастур Ўзбекистон ёшлари учун тадбиркорликда янги ечимларни тақлиф қилиш орқали жамиятдаги муаммоларни аниқлаш ва уларга ечим топиш учун ажойиб имконият саналади. Машхурбек доим янги тадқиқотларга қизиққан. “Ақлли” ҳасса гоёси эса бошқаларга ёрдам бериш мақсадини кўзлаб амалга оширилган. У овозли ёрдамчи, акселерометр, GPS ҳамда доимий янгиланиб турадиган функцияларни ўз ичига олади. — Кўзи оғир инсонлар кўча-кўйга чиққанда ёнида доимо ҳамроҳ бўлиши керак. Мустақил ҳаракатлана олмайди. Яратган қурилмаимиз йўловчининг ўзи мустақил ҳаракатланишига имкон беради. GPS қурилма орқали ёрдамчи, йўлнинг қайси қисмида ҳаракатланаётганини яқинларига билдириб туради, — дейди Машхурбек Қаршиев. — Қулқочин орқали эса йўналиш ва мавжуд тўсик, йўл, йўллар ҳақида ҳам овозли маълумотларни олиб туриш мумкин.



Термизлик Машхурбек ҳам катта йўл ёқасидан нариги томонга ўтиш учун ер ости йўлагини излаётган кўзи оғир йўловчинини кузата туриб, оддий ҳассани “ақлли” ҳассага айлантиришга бел боғлайди, уни уқаси ва сингилсини кўмағида яратди. Турли даврларга оид бу ҳикояларни рад этувчилар ҳам оз эмас, лекин кўпчилик уларга ишонмади. Ушбу кашфиётларни бирлаштириб турувчи бир жиҳат бор: қаердаки илм-фанга эътибор юксак, инсонлар тафаккурида ақл-зақолик ва билим ортидан дунёқарашларда эвришиллар юз бераётган бўлса, шу каби яратилишлар юзага келаверади. Машхурбек Қаршиев — Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали талабаси. Укеси Абдумалик Термиз шаҳридаги ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси. Сингилсини Мухаррам ментал арифметикадан кўчур билимга эга. Ёш инноваторларнинг кашфиёти бир қараганда, тасодифан юзага келди. Улар учуволон йўл бўйлаб кетишар экан, кекса ёшли кўзи оғир кишини етаклаб бораётган қизчага эътибор қилди. — Йўлнинг кесиб ўтиш қисмида жойлашган светофорлар овозли бўлиши керак.

ишончли оширади ҳамда ижтимоий ҳаётга мослашувини таъминлайди.

“Ақлли” ҳасса электр энергиясидан қувватланади. Бит марта қувват тўлдирилса, 48-72 соатгача етади.

— Дунёда мавжуд шунга ўхшаш қурилмаларни ўргандик. Тўғриси, энг қулай ва мукаммалли ўзимизники экан. Ҳар томонлама мустақил. Шунингдек, ҳамёнбоп. Масалан, Буюк Британияда фойдаланишга тавсия этилган “ақлли” ҳасса нархи бизнинг пулга қаққанда 5-6 миллион сўм. Биз яратганимиз эса айнан ундан мукаммал бўлса-да, атиги 600-700 минг сўм атрофида бўлади, — дейди Машхурбек.

“Ақлли” ҳасса яратган бу уч инноватор айрим ёшлардаги ва уларни келажакка руҳлантирувчи ота-онаси ва устозларидаги “Бизга бўлаверади” қабилитида қарашларга тоқатсизлигини яширмади.

Давлатимиз раҳбари ҳам Навоий вилоятида фоллар билан учрашув давомида бир гапини айтганди: “Бизга шу ҳам бўлаверади, деган қараш билан яшаш вақти аллақачон ўтди. Уйда даромад топган, фарзандларини ҳам шу руҳда ўстирган онла фаровонлигига амин яратди. Давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотлардан асосий мақсад одамларга елкадош бўлиш, фарзандларининг бахти-камолини кўриши учун барча имкониятларни яратишдир”.

Бугун орамизда “Бизга бўлаверади” деган тушунча билан яшаётган, шунга монанд ҳаёт кеңираётганларни кўп учратамиз.

Айтмоқчи бўлганимиз шунки, юрда бу қолдиқ стереотип ва қобилларни ёриб келётган навқирон ва билимдон, ақл-закога эга авлод шаклланипти. Улар кўп ишга қодир!

Сарвар ТўРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ЮЛДУЗЛАР МАНГУ ЁНАДИ

Муҳаммад Юсуф жудудди



Салим АШУР, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

оқшомги мушоираларда ёддан энтиқиб-энтиқиб, ўртаниб-ўртаниб, тебраниб-чай-қалиб айтилар, ўртада ёниб турган гулхан исига олмаган озурда ва ошuftа ёш кўнгилларни иситар, оловлантираб, ёндирар эди:

Қовушмаган иккита тақдир, (Балки у ҳам ўзича ҳақдир), Орасига икки эгатни Атай ташлаб ўтди бригадир.

Кимдир "Далада" шеърдан шу тўрт мисрани баралла ўқийди. Қийқириқ, қий-чув кўтарилади. Чунки шоирнинг ушбу шеъри зах ва қоронғи шийпонга биз билан бирга кириб-чиқиб юрган икки курсдошимиз ҳаётдан олиб ёзилгандек таниш таассурот уйғотади. "Гап эгасини топади" деганларидек, "гап эгалари" дув қизаради ва давралдан секин сирғалиб чиқади.

Муҳаммад Юсуфнинг шеърлари ҳар биримизнинг ҳаётимиз саҳналаридан олиб ёзилган парда-лавҳаларга, ўзбекона ҳаёт суратлари, ҳақиқат парчаларига ўхшайди: ҳам аччиқ, ҳам ширин. Улар гўёки ота-оналаримиз, опа-сингилларимиз, ака-укаларимиз ҳақида, биз ҳақимизда битилгандек. Лирик қаҳрамонлар ўрнида ҳар ким ўзини, ўз манзараларини, таниш манзараларини кўради.

Унинг "Бир кун" шеъри ҳам роса машхур, аудиторларда, ётоқхоналарда кўпчилик такрорлаб юради. Уша замон кишини, зиёлилар, жафокаш омма, меҳнаткаш халқ Ер юзини тўлдириб юборган тўпларнинг бугдой ўршини, танкларнинг пахта теришини, оқ тан, қора тан миллатларнинг Ҳазрати инсон бўлишини орзу қилган. Бундай орзу ўша даврнинг, ўша тутум, ўша тузум, ўша жамиятнинг муқим маданияти, дунёқароши, фалсафий мезони саналарди. Сирасини айтганда, бундай олижаноб орзу-ният бугун-да замондошларимиз қалбида гурқираб яшайди:

Бир кун, Бир алвон Замон келади, Замин узра Омон-омон бўлади. Ўн илми, Ю ўшми ўтиб орадан, Урушлар, Нисозлар кетиб орадан, Туллар Адилларда бугдой ўради, Танклар Далада пахта таради. Миллатлар, Элатлар Оқ тан, қора тан Хаммаси Ҳазрати инсон бўлади... Олам гулистон бўлади...

Ушбу сатрларда дунё тақдирини ўз тақдир билан уйғун тасаввур этган шоир кўнглининг, некин қалбининг орзу-армонларини кўрасиз. Чунки шоир давр кишини, замон шахси. Муҳаммад Юсуф шундай эди. У пайтларда: "Шоир бўлмаслигинг мумкин, лекин ватанпарвар фуқаро бўлишинг шарт"

Муҳаммад Юсуф баҳор аини қувватга кирган, кучга тўлган пайтда туғилган, шунинг учунми, баҳорнинг барча хислат ва фазилатлари, шиддати, янгилиши ва ўзгаришлари, гоҳ кескин, гоҳ жўшқин эврилдилари, чарқмоқларни момақалдируқлари унинг сажиясида, табиатида, ижодида акс этиб, яққол кўринади. Бир қарасангиз, шиддатли, қудратли шеърят, бир қарасангиз, сокин, вазмин, майин шеърят. Оҳанг, тасвир, маром ўзгариб, янгилиниб, алмашиб туради. Зерикмайсиз. Замонавий китобларда бир нафасда тўрт-бештадан ортиқ шеър ўқимаслик тавсия қилинади. Шу қоидага амал қилинмаса, шеърлар аралашиб, мисралар чуваллашиб, кейинги шеърларнинг "таъми"ни, "ранги"ни сезмаслик мумкин экан. Аммо хушфелъ, кенгфелъ Муҳаммад Юсуфнинг аини дилбар, хийла тўпори, яъни ўзига ўхшаган шеърларини ўқиганда бу қоидага амал қилинмаса ҳам ҳеч нарса йўқотмайсиз. Шеърлар ўз "таъми"ни сақлаб қолади.

Шеър қаламини тутган дам аввал талабаларнинг тилига тушса, ёзганлари аввал талабчан талаба ва муҳаббатталаб толибалар, яъни чўртқесар ёш насл орасида чинакамги шов-шув бўлса, шундагина ҳар ёш мустақам иҳоталанган "адабиёт боғи"га кириш учун "махсус йўлланма" олган бўлади. Шу маънода, биз — ўтган асрнинг саксонинчи йиллари талабалари орасида номи тонгда чиққан митти юлдуз каби тобора ёруғроқ чарақлаб келаётган Муҳаммад Юсуфнинг абъёти кузда Сирдарёнинг салқин далалари — мезон сузган пахтазорларида кечган

У, аввало, гоҳт миллий, юксак маънода халқчил, чин ўзбек шоири эди. Ўзбекининг бахти, қувончи ва дард-армонларини баралла айта олган шоир эди. Шоирларни халқнинг тили, дили дейишади. Муҳаммад Юсуф шеърлари, кўшиқлари орқали том маънода халқнинг тилига, дилига айланди. Халқимиз уни чин маънода ўз қалби сифатида, ўз шоири сифатида қабул қилди.

Халқчилик халқ билан табиий, ботиний, руҳий яқинлик, асарларда халқнинг дунёқарошини, ўй-хаёлларини акс эттириш, шоир ва халқ онгу тафаккурининг бирлашиб кетишидир, халққа тил — сўз, лугат билан ҳам, фикрлаш йўсини билан ҳам англамли бўлишидир. Халқнинг қувончино севинчи, шу билан бирга, кўлдан одамларни қийнаб келаётган дарду ташвишлар, миллий

шундан қимматли сабоқ берган, шу оддий, аммо буюк мантқиқни янги замон, янги давр одамлари қалбига жо этган овозлар эди.

Қадим юртга қайтсин қадим наволарим, Қўмлар босиб қўримасин дарёларим, Апомошига алла ойтган момоларим Рухини шод этай десанг — халқ бўл, элим.

Шоир орзу қилганидек, қадим юртга қадим наволар қайтди. Янги ҳаволар келди. Ўз тақдирини, шоирлик қисмати Ватан, миллат тақдирини билан асло айро тасаввур қилмаган шоирнинг ёзганлари баддий ба-шоратта, ҳақиқатга айланади.

Шоирнинг энг ҳароратли, энг лауиф сатрлари, ҳеч шубҳасиз, Ватан тўғрисидадир. У Ўзбекистонни, ўзбекини чексиз муҳаббат




қадриятлар, аънаналарнинг нафақат катта ҳажмдаги баддий асарларда, балки лирик асарлар, шеърларда ҳам кенг ва чуқур акс этишидир. Шу баддий даражага эришгани, кўтарилгани, шу баддий ҳудудни тўла забт этгани сабабли Муҳаммад Юсуфнинг асарлари бир ўқишдаёқ, бир мутолаадаёқ халқнинг сезгиси, идрокни, иродасига бориб етди, халқнинг қалбига сингди, синиб кирди. Адабиётнинг залко синичиси Виссирон Беликнинг фикрича, халқ ҳаётини, турмушини ҳаққоний акс эттириш халқчилик ҳисобланади. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, халқчилик дегани асло арзон-таровлик, жўнлик, елги-елпилик, адабий енгилтақлик, оммабоплик, олди-қоңди, дегани эмас, албатта.

Ватан, истиқлол, мустақилликни мустақамлаш сингари тақдирдош мавзулар Муҳаммад Юсуф ижодининг бош мавзуларига айланди. Асрий истибоддан, истибоднинг зулми, зуравонликлари ва азоб-изтиробларидан халос бўлиб, энди қадди-бастини тиклаб олаётган халқнинг чўкиб, ботиб кетган руҳини кўтариш, ўзига, ўз куч-қудратига, салоҳиятига ишончини қайтариш шоир ижодининг асосий гоғияга айланди. Унинг мангулик билан бўйлашган шеърлари ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва саждат руҳида тарбиялаш, нордошларимиз қалбида она Ўзбекистонимиз билан фахрланиш ва фидойилик туйғуларини уйғотиш, миллий истиқлол гоғсини халқимиз онги ва тафаккурига сингдириш борасида муҳим аҳамият касб этди. Қалби мудом бедор ва сергаж шоирнинг ватанпарварлик, миллатпарварлик,

билан севди ва катта илҳом билан куйлади. Масалан, "Ўзбекистон" шеърда:

Билдимки, баридан улғуш ўзинг, Билдимки, яқини шу тўпрок менга. Баҳорда Баҳамда тутилган кўзинг Араб оҳусидан азирок менга, Каби кўйма сатрларини ўқиймиз. Бир ҳақиқатни тан олайлик: Муҳаммад Юсуфнинг бундай маъно-мағзи тўқ, ўқишга ва ўқишга енгил шеърлари кириб борган ва севиб ўқилаётган хонадон юртимизда бўл-маса керак. Шоир ўз шеърлари кириб борган ҳар бир хонадоннинг кўзга кўринмас, бироқ руҳиятда сезилган азъосига айланган, десак хато бўлмас. Унинг шеърларини аввал оналар, оталар чин меҳр бериб ўқиган, ўқиб йилган бўлса, энди янги замонда фарзандлар, ўғил-қизлар чин меҳр кўйиб ўқи-моқда. Бу узвийлик анъанага айланган ва давом этаётир ва яна кўп давом элади.

Яна бир ҳақиқат бор: XXI асрда шеър ўзгарди, шеърхон ўзгарди, бу жароён хали-ҳамон давом этмоқда. Эҳтимол, бу эврилиш бир зум бўлсин тўхтамас, сўзинг, шеърнинг ривож шудир. Нима бўлганда ҳам Муҳаммад Юсуфнинг шеърларига қизиқиб ўзгаргани йўқ. Бу шеърларини ўқиб-ўрганиш тўхтагани йўқ. Негаки, шеър ҳам аниқ илм каби ўқиган кишини нимагадир ўртадади, нимадандир сабоқ беради, қандайдир хулосаларга олиб келади, қандайдир тўхтамагларга олиб боради. Ўқувчи қалбида ўзгарши ясайди, қалбга, онга таъсир қилади. Шоирнинг шеърятини "бир малҳамат", "бир ширин гамга", "бевафо" ё "бағришош санам"га қиёслаши беғиз эмас, бунда чуқур маъно мавжуд, деган халға боради киши. Дарҳақиқат, шеърнинг доғиси бўлган илҳом баъзан бевафо, баъзан бағришош, баъзан малҳам, баъзан ширин гам. Шоирлик ва шеър табиати ҳақида кўп шеърлар ёзилган. Шу узин ва узоқ сафда



ушбу шеърнинг ҳеч қачон йўқ бўлмайдиган ўз ўрни, ўз салмоғи йўқ. Унинг шеърларида ҳис-туйғу ва фикр чуқур, теран баддийлик касб этган ҳолда уйғунлашиб, тирикликка, ҳаётга интилган нозик гулу гиёҳлар, майсоно қиёқлар мисол ўзаро чатишиб, ўзаро қўшилиб, бирикиб, битта бўлиб, бир вужудга айланиб кетган. Сатрларда соғинч, меҳр-муҳаббат барқ уриб, бўй ёйди.

Муҳаммад Юсуфнинг ниҳоятда ўзига хос шоир эканини яққол исботлайдиган яна бир қизиқ ҳолат мавжуд. Яъни унинг услубида ёзишга, унга ўхшатиб ёзишга ҳаракат қилганлар, ҳатто унга тақлид қилувчилар кўп бўлди. Аммо...

Сен — шоҳлари осмонларга Тегиб турган чинорим, Ота десам, Уғлим деб, Бош эгиб турган чинорим, Қўйимдаги ифтихорим, Бўйимдаги туморим, Узинг менинг улуғлардан Улуғимсан, Ватаним!

Бу шеър куй ва янгрққ овоздан қанот боғлаб, қўшиқ бўлиб, машхур ва хушовоз хонанда Севара ижросида чексиз денгизлар, қирғоқлари ниҳоятда кенг уммонлар, беҳудуд кенгликлар оша юксак парвоз қилиб, дунёни кезиб, дилбар шоир Муҳаммад Юсуфнинг гавҳару инжу сўзларини, ўзбекининг ўктам овзини дунёга ёймоқда.



Шоирга кўпчилик ижодкорга насиб этмаган юксак эъзоз-эътирофларга эришди. Бу катта ва юксак, пишқ ва пухта асарлар, машаққатли ижодий меҳнат туфайли, албатта. Бу ҳақда сўз очилганда, мамлакатимизда шоир хотирасини абадийлаштириш бўйича қатор ишлар амалга оширилганини қисқача айтиб ўтиш аини мудабо бўлади деб ҳисобланади. Жумладан, 2017 йилда Андижон шаҳрида Муҳаммад Юсуф номида ижод мактаби ташкил этилди ва энг замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Мактабда шоир музейи фаолият юритади. Музейдан шоирнинг шахсий буюмлари, нашр этилган китоблари, хорижий тилларга таржима қилиниб, чет элларда босилган тўпلامлари жой олган. Таълим даргоҳининг озода ва кўркам ҳовлисида шоир бюсти ўрнатилган,

унда навқирон, оташнафас шоирни кўрасиз. Шу ерда шоир номи билан аталган махсус хиббон мавжуд, уни ўқувчи ва ўқитувчилар меҳр билан "адабиёт хиббони" деб атайдилар. Давлатимиз раҳбари 2019 йилда мактабга ташриф буюрган, ўқитувчилар, ўқувчилар билан мулоқот қилиб: "Муҳаммад Юсуф халқимиз севган самимий шоир, ватанпарвар инсон эди. Сизлар унинг муносиб давомчилари бўлишингиз керак. Бунинг учун бир дақиқам вақтларингизни беҳуда ўтказмай, кўпроқ ўқиб, тарихга уйғоқ боқиб камолга етишларингиз зарур. Энг катта бойлик — маънавий бойликдир", деган эди.

Бугунги кунда мактабда адабиётимизнинг порлоқ келажagini, ёрқин истиқболини белгилаб берадиган ёш истеъодлар камолга етмоқда. Улар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ташкил этиладиган ёш ижодкорларнинг республика Зомин семинари ҳамда бошқа адабий анжуманларда, кўрик-танловларда фол ва муваффақиятли иштирок этиб, ижод мактаби нуфузини ошириб, мактаб шаънини кўтариб келмоқда. Ҳаракатчан ва интилувчан ўқувчилар орасида аллақачон илк китоблари чоп этилганлари бор. Уларнинг асариятини республикадаги барча тенг-тўшлари яхши танийди, билади.

Ҳозир Андижон шаҳридаги болалар кутубхонаси, Марҳамат туманидаги санъат мактаби, Тошкент шаҳри ва Марҳамат туманида алоҳида иккита кўча Муҳаммад Юсуф номи билан аталади.

Муҳаммад Юсуф умрининг сўнгги йилларида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида меҳнат қилган, хусусан, истеъодли ёш ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган, бу кутлўғ даргоҳга ёруғ умид билан остона ҳақлаб келган инсонки бор, барчасининг бошини силаган, меҳр, гамҳўрлик кўрсатган. Бугун эса Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан жорий йилда шоирнинг етмиш йиллиги муносабати билан "Сайланма", "Муҳаммад Юсуф замондошлари хотирасида" китобларини нашр этиш режалаштирилган. Шу билан бирга, жойлардаги ўқув ва таълим муассасаларида, қорхона ва ташкилотларда, маҳалларда ёшлар, нурунийлар, хотин-қизлар, умуман, аҳолининг кенг қатлами иштирокчида шоирнинг ибратли ҳаёти ва баддий юксак ижодини чуқур ўрганиш ва тарғиб этишга қаратилган мушоиралар, адабий анжуманлар, учрашувлар ўтказиш назарда тутилган.

Эл-юртимиз шоир хотирасини бу қадар самимий эъзозлаши беғиз эмас. Зеро, Муҳаммад Юсуф бутун истеъодини, иқтидорини, меҳр-муҳаббатини халққа берди. Халқ ҳам жўмард ва дўлвор шоирдан меҳр-муҳаббатини, ҳурмат-иззатини аямдади. Шоир Аллоҳ инъом этган ҳаётини ҳам халқ учун, унинг бахт-саодати учун фидо қилди, шорона-авайлаб, ардоқлаб келмоқда. Бундайин бахт унча-мунча шоирга насиб этмаслиги аниқ, Насиб этганлар эса чинакам бахтли шоирлардир. Муҳаммад Юсуф шу маънода ўзбекининг чинакам бахтли шоири. Унинг ҳаёти ва ижодини қисқа қилиб: "Ёниб... ўчмаган юлдуз", деб таърифласа муболага бўлмайди.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

